

Назорат қилувчи органлар  
фаолиятини мувофиқлаштирувчи  
Республика кенгашининг  
2015 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги  
\_\_\_-сонли мажлиси баёнига  
асосан мақулланган

Ўзбекистон Республикаси  
Темир йўлларда юк ва йўловчилар  
ташиш хавфсизлигини назорат  
қилиш давлат инспекциясининг  
2015 йил «2» июндаги 87-сонли  
буйруғига илова

**Тадбиркорлик субъектларида ўтказиладиган профилактика ишларининг самарадорлиги асосида Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси марказий аппарат бўлимлари ва ҳудудий филиаллари фаолиятини баҳолаш мезонлари тўғрисидаги  
Н И З О М**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4725-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 мартдаги 101-сонли “Ўзбекистон Республикаси темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилиб, тадбиркорлик субъектларида ўтказиладиган профилактика ишларининг самарадорлиги асосида Ўзбекистон Республикаси темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси марказий аппарат бўлимлари ва Тошкент, Фарғона, Бухоро, Қашқадарё ва Орол бўйи ҳудудий филиаллари фаолиятини баҳолайди.

Тадбиркорлик субъектларида профилактика ишлари уларга амалдаги қонун ҳужжатлари ва уларга киритилаётган ўзгартиришларни тушунтириш ҳамда ушбу субъектлар томонидан темир йўл фаолиятига доир қонунчилик талаблари бузилишини олдини олиш, улар фаолиятидаги камчиликларни текширишгача бартараф этилишини таъминлаш мақсадида ўтказилади.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектларида профилактика ишлари инспекция марказий аппарат бўлимлари ва Тошкент, Фарғона, Бухоро, Қашқадарё ва Орол бўйи ҳудудий филиаллари томонидан ташкил этиладиган «Очиқ эшиклар куни», семинар ва бошқа тадбирлар орқали ёки «Ишонч телефонлари», оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилиш орқали ўтказилиши мумкин.

**Инспекция марказий аппарат бўлимлари ва Тошкент, Фарғона, Бухоро, Қашқадарё ва Орол бўйи ҳудудий филиаллари томонидан ўтказиладиган профилактика ишларини ташкил этилиши ва ўтказилиши ҳамда уларнинг самарадорлиги қуйидаги тартибда баҳоланади:**

I. Тадбиркорлик субъектларида профилактика ишларининг ташкил этилиши ва ўтказилиши.

II. Профилактика ишларининг самарадорлиги.

**I. Тадбиркорлик субъектларида профилактика ишларини ташкил этилиши ва ўтказилиши бўйича:**

Инспекция Марказий аппарат бўлимлари ва Тошкент, Фарғона, Бухоро, Қашқадарё ва Орол бўйи ҳудудий филиаллари томонидан тадбиркорлик субъектларида ўтказиладиган профилактика ишлари қуйидаги кўрсаткичлар асосида баҳоланади:

**1. Темир йўл фаолияти қонунчилигига доир қонун ҳужжатлар талабларини тушунтириш юзасидан оммавий ахборот воситаларида йилнинг ҳар чорагида қилинган чиқишлар сони:**

- телевидение, радио ва матбуотда қилинган чиқишлар сони ҳар бир бўлинмага ўртача 15 та ва ундан кўпни ташкил этган бўлса – 5 балл;

- телевидение, радио ва матбуотда қилинган чиқишлар сони ҳар бир бўлинмага ўртача 5 тадан 15 тагачани ташкил этган бўлса – 3 балл;

- телевидение, радио ва матбуотда қилинган чиқишлар сони ҳар бир бўлинмага ўртача 5 тадан камни ташкил этган бўлса – 1 балл;

**2. «Очиқ эшиклар куни» тадбирларини ташкил этиш орқали профилактика ишларини ўтказиш:**

- ташкил этилган «Очиқ эшиклар куни» орқали қабул қилинган мурожаатларнинг 70 фоизидан кўпи ечимини топган бўлса – 5 балл;

- ташкил этилган «Очиқ эшиклар куни» орқали қабул қилинган мурожаатларнинг 35 фоизидан 70 фоизигача ечимини топган бўлса – 3 балл;

- ташкил этилган «Очиқ эшиклар куни» орқали қабул қилинган мурожаатларнинг 35 фоизигача ечимини топган бўлса – 1 балл.

**3. Тадбиркорлик субъектлари ўртасида семинар, тушунтириш ишлари ва давра суҳбатлари ташкил этилиши орқали профилактика ишларини ўтказилиши:**

- ташкил этилган семинарлар тадбиркорлик субъектларининг 50 фоизидан ортиғи қамраб олинган бўлса – 5 балл;

- ташкил этилган семинарлар тадбиркорлик субъектларининг 20 фоизидан 50 фоизигача қисми қамраб олинган бўлса – 3 балл;

- ташкил этилган семинарлар тадбиркорлик субъектларининг 20 фоизигача қисми қамраб олинган бўлса – 1 балл;

**4. Тадбиркорлик субъектларининг назорат органлари томонидан қонун ҳужжатлари талаблари ақс этган тарқатма материаллар билан таъминланиши:**

- тадбиркорлик субъектларининг 75 фоиздан ортиқ қисми тарқатма материаллар билан таъминланган бўлса – 5 балл.

- тадбиркорлик субъектларининг 50 фоиздан 75 фоизгача қисми тарқатма материаллар билан таъминланган бўлса – 3 балл.

- тадбиркорлик субъектларининг 50 фоизигача қисми тарқатма материаллар билан таъминланган бўлса – 1 балл.

**II. Тадбиркорлик субъектларида ўтказилган профилактика ишлари самарадорлиги.**

**5. Тадбиркорлик субъектларида ўтказилган текширишларда аниқланган камчиликларнинг белгиланган муддатда бартараф этилиши:**

Кенгаш билан қўшимча келишувисиз назоратда аниқланган камчиликларнинг бартараф этилиши даражаси:

- ҳисобот даврида Кенгаш билан қўшимча келишувисиз назоратда Темир йўл фаолиятига доир қонунчилиги бузилиши аниқланган тадбиркорлик субъектлари сонига нисбатан камчиликларни бартараф этиш даражаси 81 фоиз ва ундан юқори бўлса – 5 балл;

- Кенгаш билан қўшимча келишувисиз назоратда камчиликларни бартараф этиш даражаси 60 фоиздан 80 фоизгача – 3 балл;

- Кенгаш билан қўшимча келишувисиз назоратда камчиликларни бартараф этиш даражаси 60 фоиздан кам бўлса – 0 балл.

Изох: ҳисобот даврида тадбиркорлик субъектлари ҳисоботларининг 95-100 фоизи Кенгаш билан қўшимча келишувисиз назоратда ўтказилган, камчиликлар аниқланиши даражаси 5 фоиздан ошмаган бўлса, бартараф этилиши даражасидан қатъий назар 5 балл билан баҳоланади.

**6. Тадбиркорлик субъектларида ўтказилган режадан ташқари текширишлар сонининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўзгариши**

- режадан ташқари текширишлар сони камайган бўлса - 5 балл;

- режадан ташқари текширишлар сони ўзгармаган бўлса - 3 балл;

- режадан ташқари текширишлар сони ошган бўлса – 0 балл.

**7. Тадбиркорлик субъектларида ўтказилган режали текширишлар натижалари тадбиркорларнинг тугатилиш даражасига олиб келмаслиги.**

Охирги бир йил давомида текшириш ўтказилган тадбиркорлик субъектларидан:

- тугатилган тадбиркорлик субъектлари бўлмаса - 5 балл;

- 2 тагача тадбиркорлик субъектлари тугатилган бўлса - 3 балл;

- 3 таси ва ундан ортиқ субъектлар тугатилган бўлса – 0 балл.

**8. Ўтказилган текширишларда тадбиркорлик субъектлари томонидан Темир йўл фаолиятига доир қонунчилиги бузилиши ҳолатлари камайишига эришиш:**

- ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 70 фоиздан кўпга камайган бўлса – 5 балл;

- ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 35 фоиздан кўпга камайган бўлса – 3 балл;

- ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 35 фоизгача камайган бўлса – 1 балл;

**9. Инспекция марказий аппарат бўлимлари ва Тошкент, Фарғона, Бухоро, Қашқадарё ва Орол бўйи ҳудудий филиаллари фаолияти устидан тадбиркорлик субъектлари томонидан келиб тушган шикоятлар сонининг ўзгариши:**

- ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 70 фоиздан кўпга камайган бўлса – 5 балл;

- ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 35 фоиздан кўпга камайган бўлса – 3 балл;

- ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 35 фоизгача камайган, камаймаган ёки ошган бўлса – 1 балл;

**III. Тадбиркорлик субъектларида ўтказилган профилактика ишлари самарадорлиги асосида инспекция марказий аппарат бўлимлари ва Тошкент, Фарғона, Бухоро, Қашқадарё ва Орол бўйи ҳудудий филиаллари фаолиятини баҳолаш:**

Тадбиркорлик субъектларида ўтказилган профилактика ишлари самарадорлиги асосида инспекциянинг ҳар чорак якуни билан марказий аппарати томонидан иловадаги жадвал шаклида умумлаштириш йўли билан баҳоланиб борилади.

Мазкур Низомга мувофиқ қайд этилган кўрсаткичлар асосида инспекция Марказий аппарат бўлимлари ва Тошкент, Фарғона, Бухоро, Қашқадарё ва Орол бўйи ҳудудий филиаллари фаолияти баҳоланиб борилади.

Баҳолаш натижаларига кўра энг паст кўрсаткичларни қайд этган марказий аппарат ва ҳудудий филиал бошлиқлари ва масъул ходимларига Мехнат кодексига оид интизомий чоралар қўлланилиши ҳамда энг юқори баҳо олган марказий аппарат ва ҳудудий филиал бошлиқлари ва масъул ходимларига ўрнатилган тартибда рағбатлантириш чоралари кўрилиши мумкин.

“Ўздавтемирўлناзорат” инспекцияси томонидан ўтказилган баҳолаш натижалари бўйича иловадаги жадвал шаклида маълумот ва энг паст кўрсаткичларни қайд этган ходимларга нисбатан кўрилган чоралар тўғрисидаги ахборот ҳар чорак якуни билан кейинги ойнинг 10 санасига қадар Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши ишчи органига юборилади.

**“Ўздавтемирўлناзорат”  
инспекция бошлиғи**

**Р. Икромов**